



ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Авазова Мамъура Эркиновна

Тошкент шаҳар ЮНУСОБОД тумани

маданият маркази қошида очилган

"Армуғон" ашула ва рақс ансамбли хонандаси.

Аннотация: Ушбу мақолада республикамиз туризмининг ривожланиши тарихи, тарихий-меъморий ёдгорликлар, Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантириш масалалари тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: маданий, туризм, меъморий ёдгорликлар, ривожлантириш, қадриятлар, сайёх, кургазма.

Ўзбекистон худудидаги сайр-саёҳатлар баён қилинган жуда кўп манбаларни учратиш мумкин. Яъни қадимги аждодларимиз ижтимоий турмуш кечириш давомида кўчманчи сифатида ҳам ҳар томонга ўтиб ҳаёт кечиргандар. Оилавий ва уруғ-қабила бўлиб, бутун бор мол-мулкини турли уловларга (туя, от, эшақ, хачир, хўқиз ва ҳоказо) ортиб яйловлар, чўллар, тоғли жойларда қўниб, кўчиб юрганлар. Бундай юриш-туриш албатта уларга осон бўлмаган. Лекин табиий шароитларда, яйловларда мол боқиши, ҳаёт кечириш, зилол сувлардан мириқиб ичиш, офтоб нурларида тобланиш, сут-қатиқ, гўшт ва меваларни истеъмол қилишнинг ўзига хос лаззатларини татигандар. Аждодларимизнинг сайр-саёҳатларини кўз олдимизга келтириш учун “Авесто”, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тоҳир ва Зухра” каби ўнлаб достонлар, “Темур тузуклари”, “Бобурнома” каби бадиий, илмий, географик асарлар мисол бўла олади. Айниқса, буюқ саркарда, Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳонни кезиши, Бобурнинг Ҳиндистон томон саргузаштлари ва у ерда кечирган ҳаётий тафсилотлари сайр-саёҳатнинг мазмунини янада тўлдиради. Инсон камолотини таъминлаш, сиҳат-саломатлигини доимий равишда яхшилаб боришда саёҳатларнинг (кўл ёқаларида тунаш, кемаларда юриш, тоғларга чиқиш ва ҳоказо) амалий моҳиятларини шарқ табобатининг сultonи Абу Али ибн Сино илмий жиҳатдан ўрганиб, уларни мерос қилиб қолдирганлиги бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика туризмининг ривожланиш тарихида Самарқанд саёҳатчи-ташкилотчиларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу тўғрида Р.Абдумаликов ва Т.Х.Холдаровларнинг баъзи бир маълумотлари билан танишиш мақсадга мувофиқдир. Самарқанд энг қадимий шаҳар сифатида тарихий обидаларга бой бўлиши билан жаҳонга машҳурдир. Шу сабабдан бу ерга эрамиздан олдинги 327-йилда босқинчилик мақсадида келган Александр Македонский талон-тарожлик билан шуғулланган бўлсада, 1865–1870-йилларда рус босқинчилари, собиқ иттифоқ даврида эса марказ раҳбарлари ҳам шаҳарни





ва баланд минораларни кўриб лол қолишиган. Умуман олганда, Самарқанд ўзининг қадимий архитектура қурилиши ва тарихий маданий обидалари орқали юртимизнинг шон-шуҳрати ҳисобланади. Шу сабабдан ўтган даврда таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилган сайд (экспурсия) ва пиёда юриш туризми мазмун ва моҳият жиҳатдан э'тиборга лойиқ. Туризм бугунги кунда тез ривожланаётган ва даромади бо'йича етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Сунгги йилларда туризм жаҳон экспортида узининг улкан ҳиссасига эга булди ва бутунжаҳон ялпи ички маҳсулотининг 11%ини ташкил қилмоқда. Сунгги 40 йил давомида бошқа мамлакатларга ташриф буюрувчи туристлар сони 20 марта туризмдан келувчи даромад 60 марта ошди ва халқаро туризмдан олинувчи даромад 400 млрд долларга этди. Хусусан, Ўзбекистонда эришилаётган муваффақиятлар заминида иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизатсиялаш, барча соҳаларни, хусусан, хизмат курсатиш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири бўлган туризмни ҳам барқарор ривожлантириш ётиби.

Ўзбекистон узининг куплаб тарихий-меъморий ёдгорликлари, турфа хил иқлими ва тез суръатларда ривожланиши билан бутун дунё диққатини узига тортмоқда. Асрлар мобайнида Узбекистон Буюк ипак йулиниг савдо, савдогарлар ва саёҳатчилар, жуғрофияшунослар ва миссионерлар, истилочилар ва забт этувчиларнинг йулида жойлашган эди. Айни пайтда эса, Ўзбекистон ташаббускор, маданият, тарих, анъана ва экзотик мамлакатларга қизиқувчилар учун мафтункор сайд ёхлиқ йуналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон аждодлардан бугунги кунгача сақланиб қолган меъморий ёдгорликлари билан фаҳрланади. Хивадаги Иchan-Қалъа мажмуаси, Бухородаги тарихий марказлар, Шахрисабз ва Самарқанд шаҳарлари ЮНЕСКО нинг "Бутун дунё меъроси" нинг маҳсус руйхатига киритилган. Бу шаҳарлардаги тақрорланмас ёдгорликлар ва меъморий иншоатлар утмиш замонларни узида акс эттириб, мамлакат тарихида катта роль уйнайди.

Тошкент дунёning энг қадимий шаҳарларидан биридир. 2009-йилда у о'зининг 2200 йиллигини нишонлади. Бир пайтнинг о'зида Тошкент замонавий ишлаб чиқариш марказидир, бу ерда 500 дан ортиқ компаниялар турли хил маҳсулотлар; самолётдан тракторгача, телевизордан тоқимачилик ва оёқ кийимларгача ишлаб чиқаради. Тошкент тез суратларда тарихий ёдгорликлар ва замонавий осмонупар биноларнинг узаро уйгунилигига замонавий ривожланган халқаро мегаполисга айланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда юзга яқин музейлар ишлаб турибди ва уларнинг ярми мамлакатнинг пойтахтида жойлашган. Уларнинг ҳар бири ўзбек халқининг бой маданий меросини акс эттиради. Пойтахт марказида Темурийлар тарихи давлат музейи жойлашган булиб, унинг улкан кўк гумбази Самарқанднинг қадимий гумбазини эслатади. Унинг экспонатлари Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрлардаги давлатчилик шаклларини шаклланишидан гувоҳлик





беради ва Амир Темур давридаги фан, маданият ва санъатнинг ривожланишини акс эттиради.

1992 йилнинг 27 июлида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармони билан “Узбектуризм” миллий компанияси ташкил топди. “Узбектуризм” нинг асосий вазифаси туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва туризми ривожлантиришнинг миллий моделини яратишдан иборат. Бундан ташқари, миллий компания республикадаги барча туристик ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради, туризмнинг барча йуналишларининг ривошланишини рагбатлантиради, кадрлар масаласи билан шугулланади, моддий-техника базасини шакллантиришга ва соҳа инфраструктураси ривожига инвеститсия оқимини жалб қиласди.

1993 йилдан буён бизнинг давлатимиз “Халқаро туризм ташкилоти”нинг аъзоси ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб Самарқандда – буюк Ипак йулиниг “юраги”да UNWTO нинг трансконтинентал магистралда туризмни координатсияцси билан шугулланувчи оғиси фаолият юритиб келмоқда. Ҳукумат томонидан туризм соҳасини модернизация қилиш, давлатда транспорт ва меҳмонхона инфраструктурасини яхшилаш, ҳамда туризмда норматив-ҳуқуқий базани мукаммаллаштириш соҳаларида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Туризм маҳсулотларини ҳорижда танитиш мақсадида “Мега-инфо-тур” – танишув сафарлари маркетинг лойиҳаси ҳорижий туристик компаниялар ва оммавий ахборот вакиллари учун амалга оширилиб келинмоқда. Шу каби сафарлар туристик мавсумларнинг кенгайтириш, ватанимизга келувчи туристларнинг оқимлари муддатини оптималлаштириш, ҳамда Ўзбекистонда ҳар бир фасл туристлар учун узига ҳос булишини курсатиб беришда муҳим рол уйнайди. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини қуллаб-қувватлашда УНВТОнинг раҳнамолигида ўтадиган, Тошкентдаги халқаро “Ипак йулидаги туризм” ярмаркасининг ҳам аҳамияти жуда катта. Бу ярмарканинг асосий мақсади туризм соҳасидаги ўзбек ҳамда ҳориж мутахассисларини бирлаштириш, улар уртасида профессионал ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат. Бугунги кунга келиб бу халқаро ярмарка Марказий Осиёдаги энг йирик кўргазмалардан бири сифатида ном қозонган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, афсонавий ўтмиши, Ипак йулиниг тарихий-муҳандислик мероси, табиатининг ажойиб манзаралари, авлоддан-авлодга ўтиб келувчи маҳаллий ҳунармандчилик, халқнинг меҳмондустлиги ва инсоний қадриятлари билан сайёҳларни ҳайратга соловчи, маҳлиё қилувчи шу билан бирга уларни хурсанд этувчи збекистон барча бурчакларидан кишиларни ўзига жалб этади.





ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ван Циншен, Историко-культурный туризм и развитие туристических городов Культура народов Причерноморья. 2002. №35.
2. Дмитриевский Ю.Д. Туристские районы мира. Смоленск, 2000. 224 с.
3. Колотова Е. В. Рекреационное ресурсоведение: Учеб. пособие. - М.: РМАТС.
4. Карпов Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью. СПб., 2011.
5. Королёва Н.В. Имитационное моделирование направлений развития туризма в рекреационных зонах региона. Майкоп, 2007.
6. Richards, G. (1996) Cultural Tourism in Europe. CABI, Wallingford. [1, c. 45]
7. Ro'ziyev Sh. "O'zbekistonda tarixiy-madaniy turizmni rivojlantirishning tashkiliyiqtisodiy mexanizmini indikativ boshqarish metodikasi" J. Экономика и финансы.
8. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2001. — 208с. Стр. 13